

БАНКЛАР ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Абдуллаева Севара Алишеровна

Фан ва технологиялар университети

“Молия ва молиявий технологиялар” кафедраси доценти, PhD

Аннотация: *Маколада банк тулов қобилиятига таъсир этувчи асосий омиллар ва банкларнинг молиявий барқарорлиги билан боғлиқ булган зиддиятлар, бу борада айрим хулоса ва таклифлар шакллантирилган.*

Калит сузлар: *Банк, тулов қобилияти, ликвидлилик, ресурслар, молиявий ресурслар*

Халқаро иқтисодийнинг глобаллашуви банкларнинг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилияти мустақамлигига таъсир этувчи омилларнинг кўпқиррали эканлигини намоён этмоқда. Буни, кейинги йилларда, дунёда юз бераётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозлари, молия, истеъмол ва хизмат бозорлардаги халқаро баҳоларнинг беқарорлиги, мамлакатлар ўртасида қўлланлаётган санкциялар, меҳнат миграциялари, капитал ва инвестициялар оқимининг ўзгариши каби қатор ижтимоий-иқтисодий жараёнларда кузатиш мумкин.

Дарҳақиқат, халқаро иқтисодийда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий тебранишларнинг банклар тўлов қобилияти мустақамлигига бўлган таъсирини юмшатиш бўйича самарали пул-кредит сиёсати ва стратегиянинг жорий этилиши, банкларнинг турли даражадаги ташқи ва ички ўзгаришларга мослашувчанлигининг таъминланганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Банкларнинг тўлов қобилияти мустақамлигини таъминлашда унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларнинг таъсир доираларига баҳо бериш ва тегишли чоратадбирларни амалиётга жорий этиш жуда зарур. Маълумки, банкларнинг тўлов қобилияти мустақамлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва салбий таъсирини юмшатиш учун назарий ва амалий манбаларга, шунингдек, амалга оширилган тегишли тадқиқотларга мурожаат этилади.

Маълумки, банкларнинг тўлов қобилиятини таъминлашга иқтисодий нормативлар, қатор меъёрлар ва мезонлар хизмат қилади. Демак, банкларнинг иқтисодий нормативлари, шунингдек, банк фаолияти ва молиявий барқарорлигини аниқлашда қўлланиладиган меъёр ва мезонларга таъсир қиладиган ҳар қандай омил банкларнинг тўлов қобилияти мустақамлигига таъсир этадиган омил сифатида қаралиши мумкин.

Фикримизча, банклар тўлов қобилиятини мустақамлашга таъсир этувчи омиллар хусусида гап кетганда, айниқса, назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этганда уларнинг таъсир доираси ва намоён бўлиш нуқтаи назаридан таснифлаш зарур бўлади. Дарҳақиқат, банкларнинг тўлов қобилияти мустақамлигига таъсир этувчи салбий

омилларни батафсил, шаффоф, аниқ, содда ва тушунарли тарзда баҳолаш учун макроиқтисодий ва микроиқтисодий омиллар, агар зарурият бўлса банк фаолияти билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омиллар сифатида ҳам гуруҳларга ажратиб тадқиқ қилишимиз мумкин. Демак, дастлаб банкларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлигига таъсир қиладиган макроиқтисодий даражадаги омилларнинг асосийларини кўриб чиқамиз.

а) Ташқи иқтисодий вазият. Мамлакатимиз банклари тўлов қобилияти мустаҳкамлигига салбий таъсир этувчи ташқи омиллар таркибига халқаро истеъмол бозорларида Ўзбекистоннинг анъанавий товарларига бўлган талаб ва баҳоларнинг пасайиши, экспортнинг асосини ташкил қиладиган хом-ашё товарлар баҳосининг кескин тебраниши (волатильность), тўғридан-тўғри хорижий капиталлар ва меҳнат мигрантларининг жўнатмалари ҳажмининг қисқариши каби ҳолатлар банкларнинг молия бозоридан жалб қиладиган ресурслари даражасига таъсир кўрсатади.

б) Ички иқтисодий вазият. 1) Аҳолининг номинал даражадаги даромадлари йилдан йилга ошиб борсада, бироқ хорижий ва маҳаллий бозорларда истеъмол товарлар хом-ашёлар баҳосининг сезиларли даражада ошиб бораётганлиги натижасида уларнинг реал даромадлари ҳажми пасаймоқда. Бу ўз навбатида, аҳолининг банклардаги омонатлари ҳажмини барқарор суръатда ошириш имкониятларини пасайтирмоқда. 2) Корхона ва ташкилотлар рақобатдошлиги ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш банкларнинг тўлов қобилияти мустаҳкамлигига таъсир қилувчи бевосита омиллардан ҳисобланади, чунки банк мижозининг молиявий аҳволи қанчалик юқори бўлса, аҳолининг истеъмол товарларга бўлган талаби маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобидан қондирилса, хорижий валюталарга бўлган талаб шу даражада қисқаради ва миллий валютанинг сотиб олиш қобилияти ортади. Бироқ, маҳаллий корхона ва ташкилотларнинг рақобатдошлигини оширишга бевосита дахлдор бўлган ишлаб чиқариш воситалари жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириб, уларнинг айримлари 1975-1980 йилларда фойдаланишга топширилган.

в) Пул бозорининг ҳолати. Бозор иқтисодиёти шароитида мавжуд бўлган ҳар қандай қонуний талабнинг қондирилиши лозим. Худди шунингдек, мамлакатдаги тижорат банкларининг ликвид ва бошқа молиявий маблағларга бўлган талаби тўлиқ ва вақтида қондирилиши лозим. Бунинг учун мамлакатда озиқ-овқат, техника, кийим-кечак, қурилиш ва бошқа бозорлари мавжуд бўлгани сингари пул бозорлари мавжуд бўлиши лозим. Пул бозоридаги баҳолар талаб ва таклиф асосида ўрнатилиши, улар томонидан амалга оширилаётган пул таклифи мавжуд талабни тўлиқ қондириш имкониятига эга бўлиши зарур. Акс холда, банкларнинг реал секторни кредитлаш, аҳолига узоқ муддатли ипотека ва истеъмол кредитларни бериш ҳамда мажбуриятларни бажаришда муаммолар пайдо бўлади, яъни банкларнинг тўлов қобилияти заифлашади.

г) Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати. Тижорат банкларининг тўлов қобилияти мустаҳкамлигига Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати (қайта молиялаш ставкаси,

мажбурий захира меъёри, очиқ бозордаги операциялари, депозит ва валюта сиёсати) бевосита таъсир қиладиган омиллар ҳисобланади.

Тижорат банкларининг тўлов қобилияти мустаҳкамлигига таъсир этувчи макроиқтисодий омилларнинг кўпқирралигини эътиборга олган ҳолда, банкларнинг тўлов қобилияти мустаҳкамлигига таъсир этувчи микродаражадаги омилларни кўриш мумкин.

1. Банк капиталининг етарлиги ва манбалари. Капитал тижорат банклари тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлайдиган муҳим молиявий манбалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, банкларнинг капитали қайси манбалар ҳисобидан шаклланиши, уларнинг капитал таркибидаги улуши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тижорат банклари капиталининг етарлиги, уларнинг манбаларининг ҳажми ва нисбатига бўлган барча талаблар Марказий банк томонидан ўрнатилади ва назорат қилиб борилади.

Тижорат банклари капиталининг минимал миқдорига бўлган талаб барча тижорат банклари учун бир хил бўлиб, ушбу маблағ банк ўз фаолиятини бошлашдан олдин тўлиғича шакллантирилиши зарур. Кейинги йилларда банкларнинг тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлаш ва молиявий барқарорлигини ошириш масаласи халқаро банк амалиётида ҳам долзарб масалалардан бирига айланган.

Таъкидлаш жоизки, банкларнинг тўлов қобилияти мустаҳкамлигига бевосита таъсир этувчи банкларнинг капиталини етарлиги мамлакатимиз тижорат банклари томонидан юқори даражада бажарилмоқда.

б) Банкларнинг барқарор молиявий ресурслари базаси. Барқарор молиявий ресурслари деганда банкларнинг узоқ муддатли депозитлари, муомалага эмиссия қилган облигациялари, пул бозоридан жалб этилган кредит маблағлари назарда тутилмоқда. Ушбу маблағларнинг узоқ муддатли молиявий манбалар ҳисобидан шакллантирилиши банкларга қатор имкониятларни беради. Биринчидан, рискли активлар ҳажмини ошириш орқали банкнинг даромадлари ҳажмини кўпайтириш имконияти пайдо бўлади. Иккинчидан, банк мажбуриятлари ва рискли активлари бўйича рискнинг хавфсиз даражаси таъминланади. Учинчидан, банкларнинг тўлов қобилияти мустаҳкамлиги ошади ва маблағларни самарали бошқариш имконияти кенгаяди.

Банклар тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлаш билан боғлиқ асосий тенденцияларнинг айримлари қуйида келтирилган.

1. Банк мижозлари ва омонатларининг нақд пулга бўлган талабини қондиришда мавжуд ўзилишларнинг мавжудлиги.

3. Истеъмол товарлар ва хизматлар баҳосининг нақд ва нақдсиз пулларда сотишда вужудга келадиган тендециялар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тижорат банклари тўлов қобилияти мустаҳкамлигига таъсир этадиган омиллар жуда кўпқиррали бўлиб, уларни амал қилишининг мақбул даража ва меъёрлари таъминланмаса мамлакатда ижтимоий-

иқтисодий зиддиятлар вужудга келади. Мамлакатимиз Марказий банки банкларнинг тўлов қобилиятига таъсир этувчи омилларнинг ижобий жиҳатларини жорий этиш бўйича самарали монетар инструментларни жорий этмоқда, яқин келажакда бунинг ижобий натижалари банкларнинг тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлашда намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Монетар сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари.(Ўзбекистон Республикаси МБ веб саҳифаси:www.cbu.uz)
2. Системный анализ и моделирование перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистана: Чепель С.В. /Монография/ Ташкент: IFMR, 2014. - 316 с. Стр. 90.
3. Омонов А.А. Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш. Монография. 2-нашри. –Т.: “Иқтисод-молия”. 2010. -292 б.